Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 16 сентябрь, № 180 (6363) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Депутатлар мамлакатимиз Конституциясида Қонунчилик палатасига берилган ваколатларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини батафсил кўриб чиқдилар.

Тақдим этилган ҳисобот Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталарида Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, соҳа экспертлари, ОАВ ходимлари иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Сиёсий партиялар фракцияларида кенг таҳлилий ишлар ўтказилиб, бу депутатларга электорат манфаатлари ва дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз бош молиявий ҳужжати ижросининг боришига нисбатан ўзларининг қатъий нуқтаи назарларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз Ҳукуматининг жорий йил 16 январида бўлиб ўтган мажлисида белгиланган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларининг амалга оширилиши, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларини амалга оширишни давом эттириш биринчи ярим йилликда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ижобий динамикаси сақлаб қолинишини ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг янада мутаносиб ривожланиши учун мустаҳкам асос яратилишини таъминлаганлиги таъкидланди.

Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 8,1 фоиз ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Бунда макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси кузатилди.

Чуқур ўйланган, пухта пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилганлиги Давлат бюджети даромад қисмининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан ижросини 100,3 фоизга таъминлаб, бу ЯИМга нисбатан 23,6 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетининг харажатлари ЯИМга нисбатан 23,4 фоизни ташкил этиб, бу Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажариш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Ўзбекистон — Бельгия:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида мамлакатимизга ташриф буюрган Бельгия Қироллиги парламенти Вакиллар палатаси раиси Зигфрид Браке раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Бельгия ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонларга Ўзбекистонда тараққиётнинг миллий модели асосида тадрижий равишда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бу жараёнда мамлакат парламентининг тутган ўрни ва аҳамияти, хусусан, Сенат фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Қайд этилганидек, бугунги кунда парламент демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либерал-лаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, демократик бозор ислоҳотлари самарадорлигини оширишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришда фаол қатнашмоқда.

Учрашувда икки давлат ўртасидаги парламентлараро муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани эътироф этилди. Бельгия парламенти вакиллари, "Бельгия — Ўзбекистон" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи аъзолари мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро анжуманларда мунтазам иштирок этиб келаётир.

(Давоми 2-бетда).

Ахборот-коммуникация технологиялари:

ЯНГИЛИКЛАР, ЮТУҚЛАР ВА ИЛҒОР ИШЛАНМАЛАР НАМОЙИШИ

Кеча Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида "ICTExpo — 2015" халқаро кўргазмалари иш бошлади.

Юртимизда давом этаётган "ICTWEEK UZBEKISTAN — 2015" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда илғор ахборот технологияларини қўллаш жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шарти эканини таъкидлади. Республикамизда ушбу йўналишда катта ютуқларга эришилмоқда. Президентимиз томонидан асосий тамойиллари белгилаб берилган ахборотлаштиришни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати Ўзбекистонни жаҳон ахборот маконига интеграциялаштиришга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги тегишли қарори билан 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури қабул қилиниши ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистонда хусусий сектор ва давлат ўртасида мувозанатли муносабатлар мавжуд»

Жорий йил 8 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган "2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзуидаги республика конференция-семинари хорижий мамлакатларнинг экспертлар ҳамда ишбилармонлар доиралари ўртасида ҳам ўз акс садосини берди.

"Жаҳон" ахборот агентлигининг чет эллардаги мухбирлари турли мамлакатлар эксперт ва бизнес доиралари вакиллари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлашга йўналтирилган ислоҳотлар натижалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар.

ЭЪТИРОФ

Кэролин ЛЭММ, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси директорлар кенгаши раиси:

— Жаҳон бозорида беқарорлик сақланиб турганига қарамасдан, сўнгги йигирма йил мобайнида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини таъминлашга қодир бўлган мамлакат сифатида жуда катта муваффақиятларга эришди.

Республикада ўтказилаётган ислоҳотлар ҳамда тизимли ўзгаришлар, шу жумладан, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва жозибадор сармоя муҳитини яратиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар юксак эътирофга лойиқдир.

Ўзбекистонда бизнес юритишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ҳамда бюрократик ва бошқа тўсиқларни бартараф этиш йўлларига бағишланган конференция-семинар якунлари алоҳида эътиборга молик. Чунки улар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шароитларини янада такомиллаштиришга, назорат органларининг хусусий бизнес ишига, шу жумладан, хорижий компаниялар фаолиятига аралашишларига йўл қўйилмаслигига, мулкдорлар ҳамда сармоядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада мустаҳкамлашга кўмаклашади. Мазкур чоралар, ўз навбатида, Ўзбекистон бозорида Америкининг савдо-иқтисодий иштирокини кенгайтиришга олиб келади. Бу эса ҳар икки томон учун ҳам бирдек манфаатлидир.

Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург ривожланиш ҳамда технология ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш институти бошқаруви раиси:

— Германияда Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши ҳамда республикада иқтисодиёт тармоқларини модернизациялашга йўналтирилган, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларни диққат билан кузатиб боришади.

Бизнинг тажрибамиз ҳақида гапирганда, немис иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси салмоқли эканлигини қайд этиш керак. Йирик ишлаб чиқариш концернлари ҳамда корпорациялардан фарқли равишда, кичик ва ўрта бизнес корхоналари иқтисодиёт реал секторининг "локомотиви" ҳисобланиб, мамлакатдаги 70 фоиздан зиёд иш ўринларини ҳамда солиқ тушумларининг 40 фоиздан зиёдини таъминлайди.

Ишончим комилки, жорий йилнинг бошида тузилган Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг янада кенгайишига кўмаклашиши баробарида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи бўйича ўзаро тажриба алмашиш учун ҳам яхши майдон бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК

Ўмон Султонлиги Ташқи ишлар вазирлиги бош котиби Саид Бадр бин Ҳамад ал-Бусаидий раҳбарлигидаги делегациянинг юртимизга ташрифи доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ўмон ҳукуматлараро Комиссиясининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

Икки мамлакат вазирлик ва идоралари, компаниялари раҳбарлари қатнашган ушбу тадбирда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, транспорт соҳасига доир бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Комиссия мажлисида меҳмонлар Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти, бу ерда яратилган қулай инвестициявий муҳит, шу жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий ва "Ангрен", "Жиззах" махсус иқтисодий зоналари фаолияти билан яқиндан таништирилди. Ўз навбатида, Ўмон Султонлиги Ташқи ишлар вазирлиги бош котиби Саид Бадр бин Ҳамад ал-Бусаидий бундай қулай имконият ҳамда шарт-шароитлар томонлар ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари иштирокида кооперация биржаси ташкил этилди.

Ишбилармонлар кооперация биржаси

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ўтказилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш материаллари, электр-техника, фармацевтика, автомобилсозлик, нефть-кимё, озиқ-овқат саноати каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари вакиллари қатнашди.

Таъкидландики, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда. Икки давлат раҳбарлари учрашуви чоғида имзоланган ҳужжатлар бунда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Айниқса, савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан буён энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилиб келаётгани ушбу жабҳада янги уфқларни очиб берди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда Жанубий кореялик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 412 та корхона самарали фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, ушбу мамлакат 79 компаниясининг ваколатхоналари очилган. Натижада ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

Кеча пойтахтимизда акушерлик ва гинекологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Соғлом она — соғлом бола

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда шифокорлар, олимлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар қатнашди.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президентимиз томонидан илгари сурилган "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, соғлом фарзанд — соғлом оила меваси. Шундай экан, туғуруқ ёшидаги аёлларнинг ҳомиладорлик пайтидаги саломатлиги ва руҳиятига жиддий эътибор бериш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш алоҳида аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

Фарзандлар камоли — юрт истиқболи

Пойтахтимизда "Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг иштироки" мавзуида анжуман ўтказилди. Унда истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Хусусан, 1991 йилнинг ноябрь ойида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилди.

Бугун юртимизда ёшларни баркамол авлод сифатида тарбиялашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлик қилиб келмоқда. Касаба уюшмалари томонидан давлат идоралари билан биргаликда ўқувчи ва талабалар, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани мисолида буни яққол кўриш мумкин. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувга, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда корхоналарда имзоланаётган жамоа шартномаларига ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар бўлими киритилди. Ҳозир шу асосда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар берилмоқда.

Ушбу имтиёз ва кафолатлардан ёшларнинг фойдаланиши бўйича доимий мониторинг олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида жамоа шартномалари орқали 1774 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди, уй-жой қурилиши учун 33 миллиард 1,9 миллион сўм миқдоридаги фоизсиз ссуда ажратилган. Айни чоғда 755 та корхонада 7129 нафар ёш ходим бошқа касбга ўргатилиб, малакаси оширилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 1217 нафар талабанинг тўлов-контракт пулини қисман қоплаш учун 3 миллиард 166 миллион сўм сарфланди.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2015 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб турибди: харажатлар қисмининг 59,2 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари томонидан эшитилган ҳисобот юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сўзга чиққан депутатлар мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини қайд этиб, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши суръатларини таъминлашда, бинобарин — давлат ғазнасини ҳам кўпайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли тобора ошиб бораётганлигини таъкидладилар. Солиқ юки анча камайиб бораётганлиги шароитида кичик корхоналар ва микрофирмалардан ягона солиқ тўлови тушумлари ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 22,8 фоиз ошди. Бу татбиқ этилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялар самарадорлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, давлат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этишлари устидан назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бу, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги Фармони асосида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан долзарб аҳамият касб этади. Ушбу Қонун қоидаларини тушунтириш ишларини амалга ошириш, тадбиркорларни солиқ солиш тартиби ва солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни либераллаштиришдаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш зарур.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари ўз сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспортни диверсификациялаш, мамлакатимизда маҳсулотни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларнинг юқори натижаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Жаҳон бозорларида сақланиб турган беқарорлик шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва номенклатурасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чоралар товар ва хизматлар экспорти ошишига хизмат қилганлиги таъкидланди. Корхоналар рақобатбардошлигини ошириш, ташқи бозорларда харидоргир бўлган маҳсулот чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилишини рағбатлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида йил бошидан бери экспорт фаолиятига яна 493 та корхона жалб этилди. Янги 168 турдаги товарларнинг экспорти йўлга қўйилди. 255 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти экспорт қилинди, экспорт ҳажми 7,4 фоиз ошди.

Фракция вакиллари жойларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини ва берилган имтиёз ҳамда преференциялардан самарали фойдаланишни, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми мустаҳкамланишини, шунингдек, тегишли ҳудудларнинг молиявий имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш, минтақаларнинг захира салоҳиятидан ҳамда ички имкониятларидан оқилона фойдаланиш бўйича масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар мажлис иштирокчиларининг диққатини 2015 йил биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети маблағларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилганлигига қаратдилар. Бунда ЎзХДП аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш тарафдори эканлиги таъкидланди.

Иқтисодиётдаги ижобий таркибий ва сифатли ўзгаришлар ҳамда тенденциялар, мутаносиб ривожланиш аҳоли бандлигининг ўсишига имкон берди. Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тизимли амалга ошириш натижасида 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 441,8 мингта янги иш ўрни яратилди, шундан 274,9 мингта иш ўрни ёки 62,2 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилди. ЎзХДП фракцияси аъзолари бундан буён ҳам касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ушбу жараён устидан назоратни кучайтириш масаласи долзарб эканлигини таъкидладилар. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг самарадорлигини ва мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш муҳимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар марказда ва жойларда давлат бошқаруви органларининг, бюджет ташкилотларининг бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, молиявий интизомга риоя қилиш, шунингдек, Бюджет кодекси нормалари ва қоидалари ижро этилиши устидан назоратни янада кучайтириш бўйича масъулиятини оширишга доир бир қатор таклифлар билдирдилар.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, ҳисобот даврида таълим ва соғлиқни сақлаш борасидаги харажатлар ижтимоий соҳа харажатлари таркибида ҳамон кўпроқ қисмни ташкил этмоқда. Бунда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаровонлигини оширишга Давлат бюджетидан 1049,8 миллиард сўм ажратилди. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни фаол амалга ошириш, айниқса, кексаларнинг, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш имконини берди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат дастурини амалга оширишга 1,5 триллион сўм, шунингдек, 37 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилди. Фракция аъзолари Дастур ижроси устидан, хусусан, унинг амалга оширилиши учун Давлат бюджетидан йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан доимий парламент назорати йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шу билан бирга, фракция аъзолари давлат илмий-техника дастурларининг устувор йўналишларини, тармоқлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, инновацион ишланмалар дастурларини молиялаштиришнинг мақбуллаштирилишига доир таклифлар билдирдилар.

Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари таъкидладиларки, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киради. Бу атмосфера ҳавосини, сув ва ер ресурсларини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Тозалаш иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ва аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Йилнинг ўтган даврида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 48,6 миллион АҚШ доллари ва Давлат бюджетидан 191,2 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон — Бельгия:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бельгия парламенти вакиллари, ўз навбатида, Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларга юқори баҳо бериб, юртимиз минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим роль эгаллашини айтиб ўтдилар. Бельгия Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга катта урғу бериши таъкидланди.

Учрашувда парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдорлиги қайд этилди. Ўзбекистон ва Бельгия парламентлари ўртасидаги мулоқотнинг фаоллашаётганлиги мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада равнақ топтиришга катта ҳисса қўшиши айтиб ўтилди.

Томонлар парламент фаолиятининг бир неча йўналишларида тажриба алмашишни йўлга қўйиш, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини ўрганишда ҳамкорликнинг турли шаклларидан унумли фойдаланиш борасида ўзаро фикр алмашишди.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ахборот-коммуникация технологиялари:

ЯНГИЛИКЛАР, ЮТУҚЛАР ВА ИЛҒОР ИШЛАНМАЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анъанавий "ICTExpo" ахборот технологиялари кўргазмаси Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ва нуфузли кўргазма майдонларидан биридир. Ташкилотчиларнинг изоҳлашича, бир пайтнинг ўзида иккита шаҳарда шундай тадбирнинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад ахборот технологияларини ҳаётимизга жорий этишнинг ҳудудий даражаси қанчалик юксалиб бораётганини кенг намойиш қилишдир. Ташриф буюрувчилар бу ерда йўлга қўйилган видеокўприк орқали реал вақт режимида ҳар икки анжуман фаолияти билан яқиндан танишишлари, иштирокчилар томонидан тақдим этилаётган илғор технологиялар ва замонавий хизмат турлари, АКТ соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишлари мумкин.

"ICTExpo — 2015"да мамлакатимиз компаниялари билан бир қаторда, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Германия ва бошқа давлатларнинг телекоммуникация ускуналари, компьютер технологиялари ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари, коммуникация хизматлари кўрсатувчи провайдерлари ҳам қатнашаяпти.

Халқаро кўргазмаларда намойиш қилинаётган маҳсулотлар билан яқиндан танишган киши кейинги йилларда юртимиз ва дунё ахборот-коммуникация технологиялари бозори жадал суръатларда тараққий этаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Зеро, бугун интернет, компьютерлар, мобиль алоқа воситалари кундалик фаолиятимизга шу қадар чуқур кириб бормоқдаки, улардаги ҳар қандай ўзгариш ёки изланиш маҳсули эътибордан четда қолмаяпти.

Тадбирлар асосида айни шу жиҳатлар инобатга олиниб, ташриф буюрувчилар учун турли семинарлар, маҳорат сабоқлари ва тақдимотлар ташкил этилиши режалаштирилгани бу борадаги халқаро тажриба, хусусан, жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг илғор ишланмалари ҳамда hi-tech янгиликлари хусусида батафсил маълумотга эга бўлиш имкониятини яратади.

Бу галги кўргазмаларнинг ўзига хос янгилиги — барча иштирокчи компаниялар ўз маҳсулотларини таништиришда турли акциялар ва имтиёзларга алоҳида урғу бераётганидир. Масалан, мамлакатимизнинг миллий мобиль алоқа оператори — "UZMOBILE" жорий йилдан Тошкент шаҳри ва вилоятида GSM тармоғини ишга туширди. Бу оператор томонидан жисмоний шахслар ҳамда корпоратив мижозлар учун мўлжалланган қулай ва арзон тариф режалари ишлаб чиқилган. Абонентлар овозли ҳамда тезлиги сониясига 21 мегабитгача етадиган маълумотлар узатиш хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Кўргазманинг ўзида GSM тармоғига уланувчилар учун барча шарт-шароит яратиб берилган бўлиб, фойдаланувчилар турли ўйинлар ёрдамида катта ҳажмдаги бепул интернет пакетларини ютиб олишаяпти.

Кейинги пайтларда юртимизда интернет-телевидение ҳам изчил тараққий этмоқда. Буни "ICTExpo — 2015"да қатнашаётган шу йўналишдаги компанияларнинг кўплигидан ҳам билиш мумкин.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Ўмон Султонлиги тенг ҳуқуқли ҳамда шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтказилган тадбирлар натижасига кўра, Ўмон Султонлиги томонидан республикамизнинг иқтисодий салоҳияти юксак эътироф этилиб, келгусида мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга катта қизиқиш билдирилгани ана шундан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунгача комиссиянинг иккита мажлиси ўтказилди. Охиргиси 2014 йилнинг 23 сентябрида Маскат шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўмон Султонлиги Ҳукумати ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик эса "Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида"ги, "Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш", "Икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва капиталдан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида"ги битимларга асосланган.

Тадбирда икки мамлакат ҳамкорлигининг истиқболлари хусусида сўз юритилиб, савдо, инвестиция, банк-молия фаолияти, логистика ва транспорт соҳаларида алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнига Ўмон компанияларини кенг жалб қилиш, қўшма корхоналар сонини, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, икки томонлама манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Ўмон делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди. Меҳмонлар, шунингдек, "General Motors Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонаси ва Турин политехника университети фаолияти билан танишдилар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ишбилармонлар кооперация биржаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон Корея Республикасининг Марказий Осиёдаги энг йирик ва ишончли ҳамкори ҳисобланади, — дейди "Arui" компанияси ижрочи директори Канг Донг Сук. — Юртингиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб бораётгани, қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани чет эллик инвесторларнинг қизиқишини янада оширмоқда. Бугунги тадбир эса янги ҳамкорлар топиш, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Юртимиз катта иқтисодий салоҳият ва беқиёс имкониятларга эга. Кейинги йилларда иқтисодиёт таркибий жиҳатдан ўзгартирилиб, тадбиркорларга кўпроқ имтиёз ва эркинликлар берилаётгани туфайли саноатнинг ҳамма тармоғи тараққий этиб бормоқда. Имтиёз ва эркинликлар эса чет эллик инвесторлар учун ҳам тақдим этилаётгани Жанубий кореялик ишбилармонларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига қизиқиши ортишига сабаб бўлаётир.

Тадбир давомида ҳамкорликда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилиниб, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Жиззах" ва "Ангрен" махсус индустриал зоналаридаги қулайликлар ҳамда имтиёзлар хусусида хорижлик меҳмонларга атрофлича маълумот берилди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом она — соғлом бола

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, юртимизда қизларни ўсмирлик чоғидаёқ чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларда касалликлар аниқланган тақдирда, ўз вақтида даволаш чоралари кўрилаётир. Қолаверса, болаларнинг соғлом туғилиши ва бақувват бўлиб улғайиши йўлида давлатимиз томонидан катта куч ҳамда маблағ сарфланмоқда. Натижада турли хавфли юқумли касалликлар профилактикасига оид ижобий кўрсаткичларга эришилаяпти. Бинобарин, мамлакатимизда Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчилардан бўлиб перинатал, она ва бола скрининги каби тиббий хизматлар кенг йўлга қўйилгани чақалоқлардаги туғма ва ирсий касалликларга барҳам бериш, оналар соғлиғини асраш, фертиль ёшдаги аёлларнинг тиббий ҳолатини доимий назорат этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Анжуманда жойлардаги қишлоқ врачлик пунктлари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари, перинатал ва скрининг марказлари, гинекология ҳамда туғуруқхона мажмуаларида аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатилаётгани эътироф этилди. Мазкур тадбир эса соҳа шифокорлари малакасини оширишга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Конференцияда акушерлик ва гинекологияга доир долзарб масалалар муҳокама этилиб, иштирокчилар учун маҳорат дарслари ўтказилди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

«Ўзбекистонда хусусий сектор ва давлат ўртасида мувозанатли муносабатлар мавжуд»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкентда бўлиб ўтган конференция-семинар якунлари Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётга хориж сармояларини янада кўпроқ жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қатъиятини яққол намойиш қилади. Немис компаниялари ва шерик ташкилотлар бу йўналишда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликка тайёрдирлар.

Пьер ШАБАЛЬ, француз олими, сиёсий фанлар доктори:

— 24 йиллик мустақил ривожланиш даври мобайнида Ўзбекистон миллий иқтисодиётнинг мустаҳкам асосларини шакллантириш ҳамда глобал миқёсдаги молиявий-иқтисодий беқарорлик шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга муваффақ бўлди. Бугунги кунда у ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 8 фоиздан зиёд бўлишини таъминлаётган, дунёдаги тез ривожланаётган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга, узоқ муддатли барқарор тараққиётни кафолатлашга интиладиган давлат нафақат иқтисодиёт реал сектори ва молия тизимини, балки тадбиркорлар ҳамда назорат қилувчи органлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий заминни ҳам ислоҳ этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали ишлаши, мустақил суд ҳокимияти, хусусий мулк ҳуқуқининг мустаҳкам ҳимояси ва кичик корхоналарнинг эркин фаолият кўрсатиши ишбилармонлик муҳити сезиларли даражада яхшиланишига ҳамда иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга кўмаклашади.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда мазкур органларнинг роли ва масъулиятини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда 2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши алоҳида эътиборга моликдир. Чунки гап хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ҳимояси кафолатларини кучайтириш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш хусусида кетмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, жаҳонда маҳсулотларнинг салмоқли қисми айнан ушбу жабҳада ишлаб чиқарилади. Унинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар яратиш, энг аввало, мулк ҳуқуқи ҳимоясини кафолатлаш ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш керак.

Ўйлайманки, Ўзбекистонда танлаб олинган сиёсатнинг давом эттирилиши мамлакатда бозор иқтисодиёти механизмларини мустаҳкамлайди, соғлом рақобат муҳитини яратиб, сармоявий фаолликни янада оширишга кўмаклашади. Бундай ислоҳотлар, шубҳасиз, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, фуқаролик жамияти мустаҳкамланишига муҳим ҳисса қўшиши баробарида, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини кучайтиради.

Найжел ПИТЕРС, "British Expertise International" (Буюк Британия) халқаро ташкилоти директори:

— Ўзбекистон салмоқли сармоявий салоҳиятга эга. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга асос бўла олади.

Шуниси қувонарлики, мамлакатда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор мазкур жабҳага инновация ғояларининг манбаси ҳисобланувчи баркамол авлодни кенг жалб этишга кўмаклашмоқда. Ўз навбатида, бизнесда давлат иштирокининг камайиши ва хорижий сармояларнинг жалб қилиниши Ўзбекистон иқтисодиёти босқичма-босқич ислоҳ этилиши жараёнининг муҳим қисмидир.

Ральф ХЕЕРЕМАНС, "Powerstairs" компанияси (Нидерландия) бош директори:

— Мен амалий шерикликни йўлга қўйиш учун Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганимда, мамлакатнинг замонавий тараққиёти ўсувчанлик моҳиятига эга эканлигига ишонч ҳосил қилганман. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик қонунчилигининг изчил такомиллашуви иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда асосий омиллардан бири бўлди, деб ҳисоблайман.

Ўйлайманки, эришилган муваффақиятлар тўхтамайди ва улар мамлакатда тадбиркорликнинг фаоллашиши учун кучли қўшимча рағбат ҳамда асос бўлиб хизмат қилади.

Эктор РОДРИГЕЗ, "Cercobe" (Испания) саноат ускуналари ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг Шарқий Европа ва МДҲ бўйича директори:

— Бугунги кунда Ўзбекистон борган сари кўпдан-кўп сармоядорларни ўзига жалб қилаётгани баробарида, экспорт салоҳиятини ҳам оширмоқда. Соҳанинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий замини ҳамда хорижий тадбиркорлар учун берилган имтиёз ва қулайликларнинг самарали тизими бунга кўмаклашмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонунчиликни либераллаштириш ва тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда унга ноқонуний аралашиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилиши учун давлат, ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш мамлакатда бозор иқтисодиёти механизмлари изчил мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар қишлоқ хўжалигига ҳам тааллуқлидир. Фермер хўжаликлари тузилишида давлат томонидан кўрсатилаётган кўмак, бутун жабҳани диверсификациялаш ҳамда маҳсулотларни сақлаш учун логистика марказларини ривожлантириш аграр ва саноат тармоқлари тараққиётини рағбатлантиради.

Марк КАТЦ, "Belam-Riga" компанияси бошқаруви раиси:

— Мен ўзбекистонлик шериклар билан иш олиб бориш имкониятига эга бўлганман. Компаниямиз республикада йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича салмоқли амалий тажрибага эга. Хусусан, 2014 йил бошида бир қатор хорижий компаниялар билан ҳамкорликда "Марокканд — Қарши" темир йўлини электрлаштириш учун ускуналар етказиб бериш тендерида ютиб чиқдик.

Биз мамлакатдаги туб ўзгаришлар ҳамда ривожланган транспорт инфратузилмасининг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб, энг илғор халқаро технологиялар қўлланилган ҳолда темир йўл линиялари қандай такомиллаштирилаётгани ҳамда кенгайиб бораётганини кўриб турибмиз. Буларнинг барчаси республиканинг жуғрофий ўрнини ҳисобга олган ҳолда, бошқа бозорларга қулай тарзда чиқиш учун ўзининг транзит имкониятларини ошириш йўлида ҳаракат қилаётганини тасдиқлайди.

Элман НАСИРОВ, Озарбайжон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Сиёсий тадқиқотлар институти директори:

— Президент Ислом Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони улкан аҳамиятга эга. Давлат раҳбарининг кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қиладиган механизмларни бартараф этиш бўйича узоқни кўзлаган сиёсати натижасида ҳаётда ўз аксини топган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шуниси эътиборлики, қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси оғишмай ўсиб бормоқда. Агар 2000 йили у 31 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтга келиб, ушбу кўрсаткич 56 фоизга етди. Мазкур жабҳада иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда.

КИМ Юн Сук, "Корея — Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси раиси:

— Нисбатан қисқа даврда мамлакатингиз бизнес фаолиятини олиб бориш шароитларини такомиллаштиришда яхши натижаларга эришишга муваффақ бўлди. Бугунги кунда кичик бизнес соҳасидаги пухта ўйланган стратегия туфайли Ўзбекистон ўзининг саноат салоҳиятини мустаҳкамлаяпти ва иқтисодиётнинг жадал ўсишини таъминламоқда.

Ўзбекистонда хусусий жабҳа ҳамда давлат ўртасида мувозанатли муносабатларнинг мавжудлиги самарали амал қилаётган ишбилармонлик муҳитининг муҳим қисми ҳисобланади.

Маниш МОҲАН, Ҳиндистон Саноат конфедерациясининг Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори:

— Тошкентда бўлиб ўтган тадбир нафақат кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш юзасидан, балки Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва умуман, сармоявий муҳитни яхшилаш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир.

Ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирлар бизнес юритиш шароитларини яхшилаш бўйича ташланган қадамлар билан уйғун равишда боғлиқ. Ишончим комилки, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши республикага хориж сармоялари оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА.

XALQ BANKI

Электрон ҳисоб-китоб тизими ҳаётимизга шунчалик чуқур кириб келдики, эндиликда усиз кундалик турмушимизни тасаввур қилиш қийин. Чунки бу усул ҳар томонлама қулай ва тезкор бўлиб, энг аввало, қимматли вақтимизни тежайди. Унинг ёрдамида, ҳатто, масофадан туриб тўловларни амалга ошириш имконияти мавжудлигини айтмайсизми?!

Дарҳақиқат, республикамизда тижорат банклари томонидан замон талабларига мос равишда хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиб, янги банк маҳсулотлари таклиф этилаяпти. Бу эса аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда.

Ишончли ва қулай тўлов воситаси

Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори электрон ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш баробарида, мижозлар ҳуқуқларининг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Хусусан, акциядорлик тижорат Халқ банки мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида муайян ишларни амалга оширмоқда. Бунда юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, замонавий банк хизматлари жорий қилинаётгани айни муддао бўлаётир. Масалан, пластик карточкалар орқали аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун 23762 та терминал ўрнатилди. Шундан 21940 таси чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари улушига тўғри келгани эътиборга молик.

Бу каби янгиланишлар туфайли “электрон ҳамён” орқали харид ҳажми муттасил равишда ортмоқда. Ўтган йили пластик карточкалар ёрдамида 2 триллион 956 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг 8 ойи давомида 2 триллион 336 млрд. сўмликни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, банк томонидан “Click” ва “SMS-хабарнома” хизматлари амалиётга жорий қилинган бўлиб, ундан фойдаланаётган мижозлар беҳад миннатдор бўлишмоқда.

— Кўп йиллардан буён Халқ банкининг мижозиман, — дейди Сурхондарё вилоятида истиқомат қилувчи Мўътабархон Акбарова. — Ушбу банк жамоаси бизнинг манфаатимизни кўзлаб, фаолиятига янги хизмат турларини татбиқ қилаётгани айни кўнглимиздаги иш бўлаяпти. Ўзимдан қиёс: эндиликда пластик карточкамга маблағни юклаш учун банк филиалига боришимга ҳожат йўқ. Ҳар ойнинг охирида телефонимга пластик карточкамга пул тушгани ҳақида хабар келади. Ундан фойдаланиш ҳам қулай. Мен яшаётган жойда 10 та савдо шохобчаси мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси терминал билан таъминланган.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитасининг тегишли қарорларига кўра, 2009 йил 6 августдан бошлаб мамлакатимиздаги барча савдо объектлари пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тўлов терминалларига эга бўлиши шарт.

— Пенсионерман. Менга тайинланган нафақа пулини Халқ банкининг Нишон филиали томонидан берилган пластик карточка орқали оламан, — дейди Бердиназар Хўжаёров. — “Электрон ҳамён”имга тушган маблағни “SMS-хабарнома” хизмати орқали ўз вақтида билиб тураман. Тўловларни пластик карточка ёрдамида қийинчиликсиз амалга ошираман. Нақд пулга эҳтиёж сезганимда эса, банк ходимлари ҳисобимдаги маблағни нақд ҳолида беришади. Бунинг учун улардан хурсандман.

Халқ банки мижозларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш бўйича самарали иш олиб бормоқда. Буни муомалага чиқарилаётган “электрон ҳамён”лар сони ортиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Гап шундаки, банк томонидан ўтган йили 880 мингдан ортиқ пластик карточка тақдим қилинган бўлса, жорий йилнинг 8 ойида бу кўрсаткич 470 минг донага етказилди. Сабаби, банк томонидан пластик карточкадаги маблағлар хавфсизлиги таъминланиши, маълумотлар сир сақланиши кафолатланган. Шундай экан, Халқ банки жамоаси бундан кейин ҳам ўз мижозларига замон талабларига жавоб берадиган тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатишга ҳаракат қилаверади.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
«Geoltexta'minot» давлат корхонаси
«Жиҳозлар, махсус транспорт ва техника воситаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ишлаб чиқаришлари эҳтиёжи учун харид қилиш бўйича» қуйида келтирилган лотлар бўйича такрорий тендер савдоларини эълон қилади.

Тендер тури — очиқ.

Тендер савдоларида жиҳозлар, тизимлар ҳамда эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи хорижий ва маҳаллий корхона (ташкилот)лар иштирок этиши мумкин.

Тендер предмети.

Лот № 12. Геофизик тадқиқотлар ўтказиш учун кўп функцияли рақамли кўчма каротаж станция (6 дона).

Лотнинг максимал баҳоси — 108 000 АҚШ доллари.

Шунингдек, қуйидаги қўшимча лот бўйича тендер савдолари эълон қилади.

Лот № 14. Гидрокимё лабораториялари учун қуйидагилардан иборат бўлган асбоблар тўплами: ишқорли (Na, K, Li) ва ер ишқорли (щелочноземельных) (Ca, Ba) металларни лаборатория шароитида суюқ муҳитда ионлар концентрациясини аниқлаш учун ёруғлик фильтрлари ва компрессор ўрнатилган алангали фотометр; pH-метр/иономерлар; сувни тозалаш тизими; мажбурий конвекцияли қуритиш шкафи (3 тўплам).

Лотнинг максимал баҳоси — 263 400 000 сўм.

Тендер буюртмачиси — «Geoltexta'minot» давлат корхонаси.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100057, Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 110-уй. Телефон: (+99871) 256-10-71. Факс: (+99871) 256-10-67, 256-18-75.
E-mail: info@ugts.uz

Маълумот олиш ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10.00 дан 17.00 гача тендер ҳужжатларини қабул қилиш муддати тугагунича ишчи органига мурожаат этиш мумкин.

Манзил: «Sifat kafolati sertifikati», Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-уй.

Телефонлар: (+99871) 237-04-56, 237-04-59, (+99898) 368-69-88, (+99890) 955-17-23. Факс: (+99871) 237-02-96.

E-mail: tendersks@mail.ru, sifatkafolatsert@mail.ru

Битта лот учун тендер ҳужжатларининг баҳоси: хорижий қатнашчилар учун — 300 АҚШ доллари, маҳаллий қатнашчилар учун — тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича.

Тендер таклифлари учун тўловни учинчи шахслар амалга ошириши тақиқланади.

Тендер ҳужжатлари учун маблағ ишчи органга тўланади ва у қайтариб берилмайди.

Молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ҳисобига.

Максимал баҳо.

Харид қилинаётган лотларнинг максимал баҳоси тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

Ҳар бир лот бўйича маҳсулотни етказиб бериш шартлари:

а) маҳаллий етказиб берувчилар учун — буюртмачининг Тошкент шаҳридаги омборига етказиб бериш;

б) хорижий етказиб берувчилар учун — DAP-Тошкент, «Чуқурсой» темир йўл станцияси, Ўзбекистон Республикаси, «Geoltexta'minot» давлат корхонаси номига (ИНКОТЕРМС-2010 й.).

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш муддати — 150 кун:

а) маҳаллий етказиб берувчилар учун — тўлов амалга оширилганидан сўнг;

б) хорижий етказиб берувчилар учун — аккредитив очилганидан сўнг.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар)га Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан нарх-наво преференциялари берилади.

Тендер таклифлари ишчи орган томонидан 2015 йил 16 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 17.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: **«Sifat kafolati sertifikati» МЧЖ**, Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-уй.
Телефонлар: (+99871) 237-04-56, 237-04-59, (+99898) 368-69-88, (+99890) 955-17-23. Факс (+99871) 237-02-96.
E-mail: tendersks@mail.ru, sifatkafolatsert@mail.ru

1361R/12

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан давлат фойдасига мусодара қилинган, Китоб туманида жойлашган, ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 176 804 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 2 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 30 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Тел.: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

1364R/02

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Тошкент минтақавий филиали

оферта музокаралари ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдоларга таклиф қилади.

Савдога АТ «Асака» банки Шайхонтоҳур филиалининг 2015 йил 11 сентябрдаги 06/2762-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 13/1-уйда жойлашган, ер майдони 1710 кв.м., умумий майдони 974 кв.м. бўлган 3 қаватли (ертўласи билан бирга) бино-иншоот такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 650 789 943,24 сўм.

Савдо 2015 йил 2 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 30 сентябрь куни соат 16.00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 2 октябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 12, 22 октябрь ва 2 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 12 октябрдаги савдо учун — 9 октябрь куни соат 16.00, 2015 йил 22 октябрдаги савдо учун — 20 октябрь куни соат 16.00, 2015 йил 2 ноябрдаги савдо учун — 30 октябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Мулк учун ғолиб аниқланган кундан бошлаб қуйидагилар амалга оширилади:

— 10 банк иш куни ичида мулк эгаси билан олди-сотди шартномасини тузиш;

— талабгорлар томонидан тўланадиган закалат пули мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида, қолган 10 фоизи 60 кун ичида тўланиши шарт;

— қолган тўловлар 84 ой мобайнида тўлиқ амалга оширилиши шарт.

Талабгорлар савдо кунигача кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қоракамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

1372R/02

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

аёллар учун иссиқ тутадиган денгиз тўлқини рангли курткалар, трикотаж трусиклар.

Талабгорлардан тижорат таклифларини қабул қилиш муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун.

Маълумот олиш учун соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 281-43-72, 255-83-00. Факс: (0-371) 281-43-73. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

1184A/568

Миллий кинология маркази

эҳтиёжи учун замонавий ёнилғи қуйиш ускунасини танлов асосида харид қилишини ва ўрнатилишини маълум қилади.

Танлов учун ваколатли қатнашувчилар ўз таклифларини қуйидаги манзилга тақдим этишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Қипчоқ 2-тор кўча, 9-уй. Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 258-84-99, 258-63-22.

Барча таклифлар Миллий кинология марказининг юқорида кўрсатилган манзилида эълон чоп этилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилинади.

1352A/

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сурхондарё вилояти филиали

қуйидагиларни маълум қилади.

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 8 сентябрдаги 175 (6358)-сонида «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг очиқ аукцион савдоларига Термиз тумани, «Паттакесар» ҚФЙ, Гулистон маҳалласида жойлашган, «Жануб бунёдкор қурилиш» хусусий корхонасига тегишли, ер майдони 34810 кв.м. бўлган маъмурий ва хўжалик бинолари чиқарилганлиги ҳақида хабарнома чоп этилган эди.

Ушбу хабарнома матнидаги:

* «Бошланғич баҳоси — 937 201 640 сўм» сўзлари «Бошланғич баҳоси — 937 500 000 сўм» деб;
* «Аукцион савдоси 2015 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади» сўзлари «Аукцион савдоси 2015 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади» деб;
* «Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 5 октябрь куни соат 18.00» сўзлари «Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 12 октябрь куни соат 18.00», деб ўқилсин.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: (0-376) 221-77-94.

Хизматлар лицензияланган.

1371R/2

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 20 октябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 10 августдаги 15-1502/13111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Маърифат» МФЙ, Қомус кўчаси, 40-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 1709,70 кв.м., фойдаланиш майдони 1404,02 кв.м. бўлган, 0001-0012-литерлардаги маъмурий бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 875 000 000 сўм.

2. Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 6 апрелдаги 15-15-08/3848-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «12-Маърифат» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 50-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 7671,10 кв.м., фойдаланиш майдони 9542,21 кв.м. бўлган, 0001-0006, 0009, 0011-0019-литерлардаги уч қаватли марказий универмаг.

Бошланғич баҳоси — 3 750 000 000 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 16 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2015 йил 7 октябрь куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

* Риштон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 сентябрдаги 15-12-05/30400-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Риштон тумани, «Оқолтин» ҚФЙ, Янгиобод қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 462,66 кв.м., фойдаланиш майдони 760,16 кв.м. бўлган, 0001, 0001-а-литерлардаги икки қаватли тракторчилар ётоқхонаси.

Бошланғич баҳоси — 177 931 169 сўм.

* Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 22 июлдаги 1-666/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Фарғона шаҳри, «2-Ўрмончилар» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 350-«А» уйда жойлашган, ер майдони 3999,72 кв.м. бўлган, оҳак ишлаб чиқариш цехи ҳамда ёрдамчи иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 148 990 574 сўм.

2. Қувасой шаҳри, Алишер Навоий номидаги МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 579,87 кв.м., фойдаланиш майдони 852,32 кв.м. бўлган, 0001, 0002-литерлардаги икки қаватли маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 289 412 989 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 5 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

1366R/34

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қўқон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2015 йил 9 мартдаги 1192/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ж. М. Қосимовга тегишли, Қўқон шаҳри, Навбаҳор кўчаси, «Марказий буюм бозори» ҳудудида жойлашган савдо дўкони бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 112 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 22 октябрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 20 октябрь куни соат 18.00.

Шунингдек, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Риштон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 8 майдаги 15-1408/7013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Уйрат агросервис» ММТПга тегишли, Риштон тумани, Пандигон кўчасида жойлашган автогараж бино-иншоотларининг бир қисми арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 139 286 530 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 7 октябрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 5 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг акциядорлик тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй. Телефонлар: (0-373) 244-46-39, 244-46-22. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

1365R/02

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти

2015 йил 1 октябрдан бошлаб республика ички қатновида ташиладиган юкларга нисбатан 10-01 прейскуранти ставкаларига 1-479 коэффициенти, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўли иштирокида ташиладиган юкларга 1-556 коэффициенти ва ички қатновда «Ангрен» халқаро логистика маркази иштирокида ташиладиган юклар учун 0,902 коэффициенти қўлланилишини маълум қилади.

1370R/667

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Таълим ва тарбия мезони

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилаяпти. Жаҳон стандартларига мос ўқув бинолари, спорт иншоотлари, болалар ижодиёт марказлари — буларнинг барчаси ўғил-қизларимизнинг пухта билим эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариши, қисқача айтганда, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Биргина жорий ўқув йилида вилоятимизда таълим самарадорлигини янада ошириш мақсадида иккита янги мактаб биноси қурилди, 18 та ўқув маскани капитал реконструкция қилинди, 12 таси эса тўбдан таъмирланди. Ушбу мақсадлар рўёби учун давлатимиз томонидан 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Ана шу далилларнинг ўзиёқ келажагимиз давомчилари бўлган ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Юртимизда навқирон авлод таълим-тарбияси йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, ўз касбининг жонкуяри саналган ўқитувчи ва мураббийлар ҳам эл-юрт эъзозида. Буни Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 1 октябрь санаси республикамизда умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланаётгани, кўплаб муаллимлар Юртбошимиз фармонларига мувофиқ, давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланаётганидан ҳам билиш мумкин. Табиийки, бундай юксак эътибор биз, педагогларнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшаяпти. Ёшларга замонавий фан сирларини чуқур ўргатиш, уларни она-юртга, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу ишга сидқидилдан ёндашишга ундамоқда.

Бизнинг туманимизда ҳам кўплаб ёш иқтидор эгалари етишиб чиқаётир. Қорақўллик ўғил-қизлар республика ва жаҳон фан олимпиадаларида ғолиблар сафидан ўрин олиб келишаяпти. Айниқса, математика, кимё, информатика каби аниқ фанлар бўйича қўлга киритилаётган ютуқлар кишини қувонтиради. Шу ўринда Бухоро давлат университети қошидаги Қорақўл академик лицейи ўқувчилари эришаётган муваффақиятларни тилга олиш кифоя. Бу ҳақда бежиз тўхталаётганим йўқ. Мактабимиз мазкур лицей билан шундоқ ёнма-ён жойлашган. 9-синф битирувчиларимизнинг 50 — 60 фоизи шу лицейда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлаяпти. Кейинчалик улар ўқишни мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида давом эттириб, халқ хўжалиги учун малакали кадр бўлиб етишаяптилар. Бунга, озмикўпми, ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Зеро, мактабимизда ўқишни янги педагогик технологиялар асосида олиб бориш учун қулайликлар яратилган. Ўқувчиларимиз Билимлар беллашуви, фан олимпиадаларида фаол иштирок этишмоқда. Мактаб таълим самарадорлиги бўйича вилоятдаги пешқадам ўқув масканларидан бири саналади.

Биз Президентимиз, давлатимизнинг ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатаётган ғамхўрлигини ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб турибмиз. Бу эъзоз-эътиборга муносиб бўлиш учун ўз кучимизни аямаймиз.

Меҳриддин ҲАЙДАРОВ,
Қорақўл туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси.
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.

Болалар учун китоб байрами

Шу йилнинг 17 — 19 сентябрь кунлари мамлакатимизда "Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!" шиори остида "Болалар китоби" иккинчи республика фестивали бўлиб ўтади. Кеча пойтахтимизда мазкур тадбир олдидан матбуот анжумани ташкил этилди.

ТАДБИР

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ўтказилган тадбирда жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ноширлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш, хусусан, уларнинг маънавиятини юксалтириш, китоб мутолаасига бўлган меҳрини ошириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Нашриётлар, босмаханалар моддий-техник базаси мустаҳкамланиши, ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши ўқувчиларга сифатли босма маҳсулотларини етказиб беришга хизмат қилаётир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган "Болалар китоби" фестивалидан кўзланган асосий мақсад мустақиллик йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқ ва марраларни жамоатчиликка етказиш, шу орқали, айниқса, ёшларда мутолаа маданиятини янада юксалтириш, ўғил-қизларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Китоб байрамида юртимизда фаолият юритаётган олтмишдан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз маҳсулотларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этади. Шу билан бир қаторда, нашриётларнинг икки юз номдаги янги китоблари тақдимотлари, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Тадбир доирасида "Энг яхши китобхон", "Китобхон оила", "Менинг биринчи китобим", "Атроф олам муҳофазаси — саломатлик гарови", "Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб" каби мавзуларда интеллектуал ўйин ва викториналар, "Китоб ўқишни ёқтирасизми?" мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказилади.

Матбуот анжуманида алоҳида айтиб ўтилганидек, бу тадбир болажонлар ва уларнинг ота-оналари учун бир олам таассуротлар тақдим этади.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

16 СЕНТЯБРЬ — ХАЛҚАРО ОЗОН ҚАТЛАМИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳаёт манбаи бўлмиш биохилмахилликни сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки инсониятнинг узоқ йиллар давомида табиатга хўжасизларча муносабатда бўлиши қатор экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Озон қатламининг емирилиши шулардан биридир.

Атроф-муҳит мусаффолиги

соғлом турмуш гаровидир

Аслида бу борадаги фикрлар ўтган асрнинг охирларида пайдо бўлган. Муаммонинг олдини олиш мақсадида 1985 йилнинг 22 мартида БМТ томонидан Вена конвенцияси қабул қилиниб, икки йилдан сўнг Монреаль протоколи имзоланиши жаҳон миқёсида ушбу йўналишдаги ишларга оммавий тарзда киришишга замин яратди. Сабаби, бу билан мазкур Конвенцияни имзолаган ва ратификация қилган давлатлар озон қатламининг ҳолатини баҳолаш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш, маълумот алмашиш ҳамда озон қатламига жиддий хавф солувчи фаолиятни тўхтатишга оид қатъий чоралар кўриш юзасидан ҳамкорлик қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган эди.

— Экологик муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш келажак авлоднинг соғлом ва фаровон турмуш кечириши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш демакдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бош бошқармаси бош мутахассиси Умиджон Абдужалилов. — Шу боис кейинчалик мазкур протоколга озон қатламини емирувчи моддалар рўйхатини, уларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишни тўхтатиш муддатларини белгилаш ҳамда экспорт-импорт амалиётларини чеклаш бўйича тўрт маротаба ўзгартиш киритилди. Жорий йилда эса ушбу сана кўп томонлама халқаро битим — Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги доирасида ўтказилмоқда.

Экспертлар фикрича, озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишнинг глобал миқёсда босқичма-босқич тўхтатилиши туфайли ушбу қатлам қайта тикланмоқда.

Бугунги кунда Вена конвенцияси ҳамда Монреаль протоколига 197 мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо. Юртимиз 1993 йилда Вена конвенцияси ҳамда Монреаль протоколини ратификация қилган бўлса, ўтган даврда ушбу халқаро ҳужжатлар ижросини босқичма-босқич бажариб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик жамғармаси билан ҳамкорликда "Иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатларда ГХФУ (гидрохлорфторуглеродлар)дан фойдаланишни жадал қисқартириш" лойиҳаси амалга оширилаётгани бунинг тасдиғидир.

2013 — 2016 йилларга мўлжалланган мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда Монреаль протоколида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга кўмаклашиш ҳамда шундай моддалар қўлланилган жиҳозларни импорт қилиш устидан назорат ўрнатиш, шунингдек, ушбу йўналишдаги ишларни тартибга солиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳисобланади. 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурига киритилган мазкур лойиҳа икки йўналишда амалга оширилмоқда. Яъни биринчисида бошқа мамлакатлар билан ўзаро тажриба алмашиш қўллаб-қувватланаётган бўлса, иккинчи босқичда давлат ва хусусий сектор вакилларининг ГХФУга қарамлигини аста-секинлик билан камайтириш кўзда тутилган.

Қувонарлиси, бу борадаги ишлар самараси амалда намоён бўлмоқда. Яъни ҳозирги кунда республикамиздаги саноат корхоналарида экологик талабларга қатъий амал қилиниши натижасида 99,95 фоиз озон қатламини емирувчи моддалар муомаладан чиқарилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда юртимизда табиатни асраш, унинг бойликларидан унумли фойдаланиш ва келажак авлодга етказиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, табиатни авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Дилшод ЖУМАБОЕВ.

Спорт

Таиланднинг Пхукет шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муносиб қатнашиб, битта олтин ва тўртта бронза медалини қўлга киритишди.

Осиё чемпионатидаги муваффақият

Жумладан, тажрибали спортчимиз Иван Ефремов вазни 105 килограммдан юқори бўлган полвонлар баҳсида штангани даст кўтаришда 193 килограмм натижа кўрсатиб, ғолибликка эришди. Бундан ташқари, у штангани силтаб кўтариш ва иккикураш якуни бўйича иккита бронза медали билан тақдирланди.

Яна бир иқтидорли атлетимиз Аваз Идиев вазни 105 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида штангани силтаб кўтаришда 193 килограмм натижа билан учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар мусобақасида ўз имкониятини синаб кўрган Омадой Отақўзиева вазни 75 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида штангани силтаб кўтариш бўйича қитъа чемпионати бронза медали соҳибасига айланди.

Санкт-Петербург шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида вакилларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Навқирон боксчиларимиз ғолиблар сафида

Эришилган муваффақиятга Билолбек Мирзараҳимов ва Темур Мержанов олтин медаллари билан муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, Билолбек (57 кг.) уэлслик Рис Эдвардс, марокашлик Усама Бин Лалмиҳ, беларуслик Артур Туниев, қирғизистонлик Ақназар Жилдизбек ўғли ва АҚШ вакили Габриель Флоресни мағлубиятга учратиб, ғолибликка эришди. Темур (63 кг.) эса норвегиялик Торд Жонсон, германиялик Ричард Мейних, шотландиялик Тайлер Жолли, АҚШ спортчиси Леон Лаусон ва россиялик Усмон Алиевдан устун келди.

Шунингдек, Дилшод Рўзметов, Қосимхон Қосимов кумуш, Ҳалимбек Ўтегенов, Яҳёхон Саидхонов ва Профсор Роримша бронза медали билан тақдирланди.

Нуфузли мусобақага қурра ташланди

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида футбол бўйича йигирма уч ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичига қурра ташланди.

Унга кўра, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси "С" гуруҳида Ироқ, Жанубий Корея ва Яман терма жамоалари билан куч синашадиган бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур мусобақада қитъамизнинг ўн олти терма жамоаси совринли ўринлар билан бирга, келаси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун ҳам ўзаро беллашади. Регламентга мувофиқ, чемпионатда медалларни қўлга киритган учта жамоа Олимпиадада қатнашиш имкониятига эга бўлади.

Осиё чемпионати келаси йилнинг 12 — 30 январь кунлари Доҳа шаҳрида бўлиб ўтади.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Фарзандлар камоли — юрт истиқболи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анжуманда ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Масалан, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганларга ишонч телефонлари ва ҳуқуқий маслаҳатхоналар орқали бепул йўл-йўриқ берилмоқда. Ҳудудий касаба уюшмаларининг веб-сайтларида вакант иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш йўлга қўйилган. Айни чоғда жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамкорлигида аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, ёшлар учун 192 та иш ўрни яратилди.

Шуларга мос равишда эртамиз эгаларининг инновацион ғоя ва ишланмаларини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги қарори ижроси доирасида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Ёш мутахассислар" республика форуми ўтказилаяпти.

Тадбирда ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилаётган турли акция ва спорт мусобақалари ҳақида ҳам сўз юритилди. Масалан, ҳар йили "Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси доирасида кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда.

Меҳнат жамоалари, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида "Касаба тур" веломарафони, "Спорт — саломатлик гарови" спартакиадаси, "Соғлом оила" республика оилавий спорт мусобақалари ҳамда мини-футбол бўйича Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кубогини ўтказиш ҳам анъанага айланди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРДАН 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 августдаги 22/9-сонли «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1719-2 (2015 йил 14 сентябрдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 5 августдаги 01-02/12-34-сонли «Товар ва транспорт воситаларини давлат божхона хизмати органи ходимлари томонидан кўздан кечириш ҳамда божхона кўригидан ўтказиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2714 (2015 йил 14 декабрдан кучга киради).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2015 йил 29 августдаги 01-02/12-28, 2015/10-6, 99-сонли «2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори ижроси доирасида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан "Ёш мутахассислар" республика форуми ўтказилаяпти.

2015 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1732-1 (2015 йил 14 сентябрдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2015 йил 29 августдаги 01-02/12-27, 2015/10-7, 100, к-5-сонли «Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек, Кўнғирот участкаларига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2015 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2097-2 (2015 йил 14 сентябрдан кучга кирди).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

XALQ BANKI — КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик тижорат Халқ банки

сервер қурилмаларини етказиб берувчи ташкилотларни аниқлаш бўйича танлов эълон қилади.

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий етказиб берувчилар, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-81, 120-17-48. www.xb.uz E-mail: marketing@xb.uz
2. Тендер савдоси предмети — Халқ банки учун сервер қурилмаларини етказиб бериш.
3. Тўлов шакли — аккредитив (АҚШ долларида).
4. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.
5. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) **2015 йил 30 сентябрь куни** Тошкент вақти билан **соат 18.00 га қадар** қабул қилинади.

1369R/120

амкодор ИП ООО «AMKODOR-TASHKENT» официальный дистрибьютор в Республике Узбекистан

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

сменных рабочих органов

Многофункциональные погрузчики с бортовым поворотом

Экскаваторы-погрузчики (6 модификаций)

Погрузчики фронтальные и универсальные грузоподъемностью от 2 до 7 тонн

3 года гарантии

Электропогрузчики вилочные (1,2; 1,6; 2,5 тонны)

Электротележки (2-, 3-тонные)

Автогрейдеры

Экскаваторы гусеничные и колесные

Коммунально-уборочные машины

Машины фрезерные

Автопогрузчики вилочные (3 и 5 тонн)

Погрузчики с телескопической стрелой

Катки вибрационные

В честь 24-й годовщины независимости праздничные скидки!

Погрузчики фронтальные (2, 4, 5 тонн)

Погрузчик с бортовым поворотом и сменные рабочие органы

Автопогрузчик вилочный и сменные рабочие органы (5 тонн)

Узбекистан, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57.
Телефоны: (+998 94) 669-29-71, (+998 71) 283-42-18 (факс), 283-42-17.
E-mail: ajle@mail.ru, amkodortashkent@mail.ru Web-site: amkodor.uz

Товар сертифицирован. Услуги лицензированы

1354/

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 391 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5